

ХАТШУНОСЛИК ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ЎТКАЗИШДА ЛОТИН ГРАФИКАСИ ВА КРИЛЛ АЛИФБОСИДА ИШЛАШНИНГ МУАММОЛИ ТОМОНЛАРИ

Тўхтаралиев Жаҳонгир Исмоилжон Ўғли

*Ички Ишлар Вазирлиги Академияси 3-босқич Эксперт-
криминалистик фаолияти курсанти*

Annotation: *The dissertation describes in detail the general theoretical rules of trasological examinations and the modern possibilities of research based on them. In addition, the statistical data of the expertise and research conducted in practice were analyzed and suggestions and recommendations were made on the identified problems.*

Keywords: *research, filler, general sign, special sign. Identification*

Бугунги кунда хатшунослик экспертизаларини ўтказишда фойдаланиладиган математик моделлаштириш методлари орқали қўлёзма матнининг ижрочисини жинсига аниқлик киритишга доир бўлган тадқиқотларда юзага келаётган энг катта муаммолардан бири бу қўлёзма матнининг лотин алифбоси орқали ёзилаётганлиги ҳисобланади. Табиийки қандай алифбода ёзилганлигининг нима алоқаси бор деган савол пайдо бўлади. Ушбу саволга эса бугунги кунда хатшунослик экспертизаларини ўтказишда фойдаланиладиган математик моделлаштириш методлари орқали қўлёзма матнининг ижрочисини жинсига аниқлик киритишга доир бўлган тадқиқотларда фойдаланиладиган давлат томонидан тасдиқланган илмий адабиётларда, кўрсатиб ўтилган методлардан фойдаланишнинг асосий талабларидан бири қилиб, тадқиқотга тақдим этилган объектнинг алифбоси крилл алифбосида бўлиши керак эканлиги ва энг камида 1000 (минг)та белгидан иборат бўлиши белгилаб берилган. Агарда ушбу талабларга жавоб бермайдиган тартибда объект тақдим қилинса у эксперт томонидан қайтариб юборилиши лозимлиги белгилаб қўйилган. Хозирга келиб Ўзбекистон Республикасидаги деярли барча корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан юритилаётган ҳужжатлар лотин алифбосига босқичма босқич ўтмоқда. Бундан ташқари мамлакатимиздаги барча таълим муассаларида фанлар лотин графикасига асосланган алифбода олиб борилмоқда ва бу яқин 10 йилни ичида юртимизда крилл алифбосидан деярли ҳеч ким фойдаламаслигини билдиради. Лекин шунга қарамай бугунгача экспертизаларни ўтказишда, ёзувнинг идентификацион хусусиятларини ўрганишда крилл алифбосидан фойдаланилмоқда. Бунинг асосий сабаби эса лотин алифбосига асосланган таққослаш тизимининг ишлаб чиқилмагани бўлиб қолмоқда. Бу эса ўз навбатида лотин алифбосида ёзилган объектларни тадиқикотида бир мунча қийинчиликларни юзага келишига сабаб бўлмоқда. Хусусан хатшунослик экспертизасининг идентификацион вазифаларини ҳал этишга мўлжалланган

математик моделлаштириш методини олиб қарайдиган бўлсак ушбу метод орқали ўтказиладиган тадқиқотларда тадқиқот объектининг ёзилган матни қандай алифбода ёзилганлиги асосий аҳамиятни касб этади.

Идентификацион хатшунослик экспертизасида энг мураккаб ва масъулиятли босқич ўтказилган таққослаш тадқиқотлари натижаларини баҳолаш ҳисобланади. Анъанавий методикада баҳолаш мезонлари экспертнинг субъектив хусусиятларига боғлиқ бўлади, бундай субъектив хусусиятларга қуйидагилар киради: интуиция, тажриба, малака ва ҳ.к.з. Математик методлар биринчи навбатда, эксперт фаолиятининг айнан шу босқичини объективлаштиришга мўлжалланган.

Экспертнинг баҳолаш фаолиятини объективлаштириш бўйича математик методларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ дастлабки тадқиқотлар 1953-1960 йилларда ўтказилган. Муаллифлар томонидан етарли (10000 қўлёзма) материаллардаги ёзув белгиларини ўрганиш асосида қўлланилган эҳтимолли-статистик метод, оддий тез ёзув ва бочма шрифтларга тақлид қилиб бажарилган матнлардаги белгиларнинг идентификацион аҳамияти ва учраб туриш частотаси ҳақида тегишли маълумотлар олишга имкон берган. Ундан ташқари, ўзаро ўхшаш белгиларнинг аҳамиятини баҳолашнинг миқдорий мезонлари ишлаб чиқилган.

Ушбу изланишларнинг натижасида, *тез ёзув билан бажарилган ёзувнинг алоҳида белгиларини ўхшашлигини баҳолаш методи ва босма шрифтларга тақлид қилиб бажарилган қўлёзмаларнинг тадқиқотларида ёзув белгиларининг ўхшашликларини баҳолаш методи* ишлаб чиқилган¹.

Ушбу методларни эксперт амалиётига татбиқ қилиш суд хатшунослиги ва хатшунослик экспертизасининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этди. Аммо уларни ишлаб чиқишдаги хатолар (жумладан, экспериментал материалларни статистик таҳлил қилиш ёзувни гуруҳий мансублигини инобатга олмасдан амалга оширилган) ушбу ишларнинг натижаси самарадорлигини бир мунча камайтирган. Натижада, ёзувнинг алоҳида белгиларининг учраб туриш частотаси ҳақидаги маълумотларни, асл қийматларга тахминан яқин деб ҳисоблаш мумкин эди.

Ушбу камчиликлар оддий, содалаштирилган ва мураккаблаштирилган тузилишни ёзув белгиларининг учраб туриш частотасини аниқлаш мақсадида, юқори ишловли ёзувларни статистик таҳлилини ўтказган Н.И.Шахтарина томонидан бир мунча бартараф этилган². Шу билан бирга, эксперт амалиётини таҳлили кўрсатдики, Н.И.Шахтарина томонидан белгиларнинг идентификацион аҳамиятини ифодаловчи кўрсаткичлар асосланмаган ҳолда орттириб

¹ Қаранг: Почерковедение и почерковедческая экспертиза: Учебник / Под ред. В.В.Серегина. – Волгоград, 2007. – С.247.

² Қаранг: Шахтарина Н.И. Судебно-почерковедческая экспертиза с использованием данных количественной значимости частных признаков // Экспертная техника. – М., 1968. – Вып.26.

ифодаланган. Бундан ташқари, ёзувнинг кам учрайдиган белгиларига кўпроқ аҳамият берилган ва аҳамити катта белгилар эътибордан четда қолиб кетган. Шу боисдан, 1976 йилда Москва Суд экспертиза илмий-тадқиқот институтида, ёзувнинг гуруҳий мансублигини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган “ёзувнинг ўхшаш белгиларини баҳолаш модификацияланган методи” ишлаб чиқилди ва натижада ажратилган белгилар ва улар комплексининг яхлит ҳолда баҳолашнинг миқдорий мезонлари янада аниқлаштирилди³.

Ушбу модификацияланган методни қўллаб эксперт, ишлов берилган ёзувлардаги ёзув белгиларининг учраб туриш частотаси ва идентификацион аҳамияти ҳақида маълумотларни олади. Ушбу маълумотларни модификацияланган метод муаллифлари ёзувнинг мураккаблик даражасига кўра учта жадвалга жойлаштирганлар ва белининг график тасвирини ҳамда таърифларини келтирганлар.

Эксперт жадвалдаги маълумотларга асосланиб, якуний хулосаларни шакллантириш учун тегишли мезонларга эга бўлади.

Юқоридаги методнинг математик механизми “рус алифбосидаги босма ҳарфлар билан бажарилган ёзувнинг ўзаро ўхшаш белгиларини эҳтимолли-статистик баҳолаш методи”ни ишлаб чиқиш учун асос бўлган⁴.

Ушбу метод босма ҳарфлар билан бажарилган ёзувнинг ўхшаш белгиларининг учраб туриш частотаси ва идентификацион аҳамиятини баҳолаш учун мўлжалланган. Босма ҳарфлар рус алифбосидаги хуснихат қоидаларига риоя қилиб бажарилган ҳарфлардан мураккаб тузилиши билан фар қилади ва шунинг учун кўпроқ ахборот бера олади. Ёзув белгисининг аҳамияти, экспериментал ёзув ижрочисининг жинсини инобатга олган ҳолда ҳисобланади. Бунда ўрганилаётган белгининг идентификацион аҳамияти учта графа билан ифодаланади: Н – жинси аниқланмаган; М – эркак жинси; Ж – аёл жинси. Бу эса экспертиза хулосасининг ишончлилигини оширади.

Жадваллардаги маълумотлар ҳарфлар варақамлар белгиларининг учраб туриш частотаси ва аҳамияти бўйича маълумотларга қўшимча ҳисобланади⁵. Идентификацион аҳамиятларни йиғиндисини ўрганиб эксперт, кам ҳажмли матнлар тадқиқотларида ҳам, керакли ишонччилик даражаси (ўн баллик мезон)га эга бўлади.

Юқоридаги жадвалларни ишлатувчиларга қулай шаклда тузишни автоматлаштириш ва ажратилган белгиларнинг идентификацион аҳамияти коэффициентларини ҳисоблаш вақтини қисқартириш мақсадида, муаллифлар

³ Қаранг: Применение методов исследования, основанных на вероятностном моделировании в судебно-почерковедческой экспертизе /Под ред. Орловой В. Ф. – М., 1976.

⁴ Қаранг: *Левицкий А.Б., Молоков Э.П. и др.* Методика вероятностно-статистической оценки совпадающих частных признаков почерка в прописных буквах русского алфавита. – М., 1996.

⁵ Қаранг: Применение методов исследования, основанных на вероятностном моделировании в судебно-почерковедческой экспертизе /Под ред. Орловой В. Ф. – М., 1976.

ушбу методни қўллашда (АФИПС) “МАСТЕР” – автоматлаштрилган факторографик ахборот-излов тизимидан фойдаланишни тавсия қиладилар.

Рақамли ёзув хусусий белгиларнинг идентификацион аҳамиятини биринчи бўлиб В.Г.Грузкова томонидан бажарилган. Ушбу тадқиқотларда 100 нафар юқори ишловли ёзувга эга бўлган шахсларнинг қўлёзмалари тадқиқ этилган ва натижада рақамли ёзувдаги белгиларнинг учраб туриш частотаси ҳақида маълумотлар олинган (ёзувни тузилишини инобатга олмаган ҳолда). Ушбу илмий изланишларнинг аҳамияти шундаки, хатшунослик экспертизасининг нисбатан кам учрайдиган тадқиқот объекти – рақамли ёзувларни тадқиқот методикаси яратилган. Кейинчалик, 1976 йилда *рақамли ёзувларнинг ўзаро ўхшаш белгиларининг баҳолаш методи* тўлиқ ишлаб чиқилди⁶. Аммо рақамли ёзувда, қатъий шаклдаги хулоса бериш учун зарур бўлган ўн баллик миқдорий мезонни олишнинг имкони йўқ эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига илмий-амалий шарҳлар. -Т., Адолат, 1997. - 384 б.
2. Белкин Р.С. Курс криминалистики. - М., 1988, т. 2. - 302 б.
3. Данияевичус А. Криминалистическое следоведение. - Вильнюс, 1983. -282б.
4. Грановский Г.Л. Основы трасологии (Общая часть).-М., 1975. -
5. Грановский Г.Л. Основы трасологии (Особенная часть). - М., 1974. - 240 б.
6. Грановский Г.Л. Криминалистическое исследование следов ног. - Киев, 1970. -
7. Суд экспертизаси бўйича қўлланма. - Т., 1995. - 205 б.
8. Анциферов В.К. Дактилоскопическая экспертиза: современное состояние и перспективы развития. - Красноярск, 1990. - 187 б.
9. Андрианова В.А., Капитонов В.Е. Средства и методы выявления, фиксации и изъятия следов рук. - М., 1985. -120б.
10. Зуев Е.И. Экспертное исследование железнодорожных пломб.- М.,1980.-89б.
11. Железняк А.С. Исследование следов одежды. - М., 1971. -29 б.
12. Колдин. В.Я. Задачи, объекты и этапы судебной идентификации. - Правоведение, 1987. №3. - 133 б.

⁶ Қаранг: Применение методов исследования, основанных на вероятностном моделировании в судебно-почерковедческой экспертизе /Под ред. Орловой В. Ф. – М., 1976.

- 13 Гродзинский М.М. и др. Теория доказательств в уголовном процессе. - М., 1987. - 134 б.
- 14 Шевченко Б.И. Теоретические основы трасологической идентификации в криминалистике. - М., 1985. - 96 б.
- 15 Терзиев Н.В. Криминалистическая отождествление личности по признакам внешности. - М., 1986. - 98 б.
- 16 Самойлов Л.Н. Корреляция как форма диалектической связи. - М., 1985. -123б.
- 17 Крилов И.Ф. Следы на месте преступления. - М., 1987. - 146 б.
- 18 Белкин Р.С., Винберг А.И. Криминалистика и доказывание. - М., 1989. - 542 б.
- 19 Комаринец Б.М. Вопросы о производстве экспертизы на месте происшествия. - М., 1967. - 268 б.
- 20 Данисявичус П. Криминалистическое следоведение. Вильнюс. 1985. - 324 б.
- 21 Сехна Я. Следы - в криминалистике. - Варшава., 1986. - 173б.
- 22 Данисявичус П. След и определение его. - Вильнюс., 1984. - 98 б.
- 23 Волков З.В., Широканов Д.И. Роль категорий диалектики в изучении биологических явлений. - Минск., 1987. - 425 б.
- 24 .Строгович М.С. Материальная истина и судебные доказательства. - М., 1985. - 267 б.
- 25 Попов В.И. Розыскная деятельность при расследовании преступлений. Докт. дисс. - М., 1985. 180 б.
- 26 .Ильченко Ю.И. Тактические приёмы исследования материальной обстановки места происшествия. Канд. дисс. Алма-ата. 1984. - 130 б.
- 27 Корноухов В.КЕ. Дактилоскопическая экспертиза. - Красноярск., 1990. - 412 б.
- 28 Столяров В.И. Процесс изменения и его познание. -М., 1986. - 100 б.
- 29 Литвиненко Л.К. Понятия и классификация следов в трасологии. - Киев., 1988. - 124 б.
- 30 Герасимов А.М и другие. Криминалистическое исследование следов взлома металлических хранилищ.\\Учебное пособие. – М., 1991.–157б.
- 31 Крилов И.Ф. Следы на месте преступления. - М., 1987. – 68 б.
- 32 Мирзаев Т.Р. ва бошқалар. Криминалистик техникаси\\Ўқув кўлланма. – Тошкент., 1999. – б.